

Юртимиз уламолари Саратовда истиқомат қилаётган ватандошларимизга илмий суҳбат қилиб бердилар



22:00 / 13.06.2022 1999

Аввал хабар берганимиздек, Саратов шаҳрида шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий-маърифий меросларини ўрганиш бўйича форум ўтказилган эди.



Ушбу форум якунига етгач, Аср намозидан сўнг Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегация аъзолари Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов, Исмоил домла Муҳаммад Содиқ, Жалолиддин домла Ҳамроқулов ва Ҳасан домла Қодиров Саратов шаҳридаги «Рашида» жомеъ масжидида ватандошларимизга илмий-маърифий суҳбатлар қилиб бердилар. Суҳбатда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий-маърифий меросларини ўрганиш ҳақида, муҳожир ўзбек ватандошлармиз учун муҳим ва керакли бўлган мавзуларда мавъизалар қилинди.





Хусусан, юртимиздан Ислом оламида машхур бўлган, дунёга устоз бўлган, Қуръони Карим, ҳадиси шариф, ақийда, фикҳ, ҳисоб, фалакиёт, табобат каби илмларда бебаҳо асарлар ижод қилиб, дунё аҳлига тақдим етган улўф зотлар, буюк алломалар етишиб чиққани, ана шу аждодларга муносиб авлод бўлиш зиммамиздаги катта масъулият экани, улар қолдирган улкан илмий меросни ўрганиб, амал қилиш биз учун ўта муҳимлиги айтиб ўтилди.